



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \* ۱۹۹۹

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 21 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 92 (7391)

**Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.**  
**ПИФАГОР**

## АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ДОИМО ТИЛ ТОПИШАДИ

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16-17 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.  
Ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларга замонавий тус бериш, алоқалар шакли шаймовили ва мазмунини давр талабларига, халқаро муносабатлар мезонларига уйғунлаштириш эди. Имзоланган ҳужжатлар шу мақсад йўлидаги сўз-хатларнинг мантаний яқини ва ҳуқуқий тасдиғи бўлди. Узини муқтадил ҳисоблаган ҳар бир давлат халқаро муносабатлар тизимига кирар экан, аввало, ўз чегараларини аниқ белгила олиши, айни пайтда бошқа давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиши керак.  
Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома икки муқтадил мамлакатнинг ўзаро муносабатларини замонавий тарзда ривожлантиришга янада кенг йўл очди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бу билан чегаралар ёпилиб қолмайди. Фақат фўқаролар, товарлар ва хизматларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтиши муайян қонун-қоидаларга риоя қилинган равишда амалга ошади. Бу ҳужжат божхона, чегара, солиқ хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштиришда ҳам асос бўлади.  
Маълумотларга кўра, Ўзбекистон — Қозоғистон чегарасининг узунлиги 2159 километр. 1999 йили икки мамлакат Президентлари Тошкентда учрашиб, делимитацияга оид масалалар ҳам ўз аксини топган Кўшма баёнот қабул қилганидан кейин бу соҳада кўп иш қилинди — чегаранинг 96 фоизи белгилаб чиқилди. Қолган қисми ҳам келишув асоси-

да делимитация қилинмоқда. Афсуски, ҳозир мамлакатлараро муносабатларга раҳна солишга интилувчи бузғунчи кучлар ҳам йўқ эмас. Бундай ғаламислар муайян миллат шаънига, гурурига тегиб, икки мамлакат ўртасида чегара муаммолари борлиғи ҳақида турли уйдирмалар тарқатади. Лекин улар бир нарсани чуқур англамайди, яъни азалдан яхши кўшничилик тамойилларига таяниб, иноқ яшаб келаётган икки халқ барибир тил топишади, ҳеч қачон фитналарга учмайди. Остона шаҳрида чегарага оид барча масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топди. Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари ривожланиб бораётганини кўра олмайдиган кучларга қаттиқ зарба берилди. Ислам Каримов маъқур шартнома кўпчиликлари намуна бўлишини айтди. Зеро, ҳозирги муносабатларимиз, биргалликда амалга ошираётган ишларимиз узоқ муддатли стратегик манфаатларимизга мосдир.  
Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг ҳавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги икки ва кўп томонлама асосда қабул қилинган кўплаб ҳужжатлардан иборат муқтадил қонуний асосга эга. Марказий Осиё давлатлари, МДХ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзолари ўртасида минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни муқтадиллаш борасида муайян келишувларга эришилган. Лекин чегараларда тартиб ўрнатилмаса, ана шу пойдевор тугал бўлмай қолар эди. Қолаверса, 11 сентябрдан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришлар, Афғонистондаги воқеалар ўз-ўзидан ҳавфсизлик масаласига янги намуна бўлишга талаб қилади. Мазкур шартноманинг долзарблиғи ҳам шунда.  
Модерники, гап Афғонистонга тақалган экан, икки мамлакат Президентларининг Остонадаги матбуот анжуманида берган баёнотларига тўхталиб ўтсак. Мазкур

мамлакатдаги воқеаларга муносабат, аксилтеррор операцияси борасидаги нуктаи назарлар бир хил. Ҳавф, террорга қарши кураш йўлини бир хил баҳоланади. Илгари ҳам таъкидланган — бу Афғонистонга, афғон халқига, мусулмонларга қарши уруш эмас. Ислам Каримов айтганидек, халқаро коалиция террор машинасини парчаламоқда. "Толибон" яқсон қилингандан кейин тадбирлар эса фақат БМТ раҳнамолигида амалга оширилиши керак.  
Остона учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди. Президентлар ўзаро савдо ҳамжи қоникарсиз эканлигини, икки мамлакат бир-бирининг имкониятларидан кўпроқ фойдаланиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, музокараларда минтақамизнинг сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик, ўзаро ахборот алмашиши кучайтириши каби масалалар кўриб чиқилди.  
Музокаралар бошидаёқ Қозоғистон раҳбари минтақадан шароит мураккаб бўлишига қарамай, ўз таклифини қабул қилиб, Остонага келгани учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдирган, ташрифи хайрли, қадами қутлуг бўлишини тилаган эди. Айни пайтда бу ташриф мамлакатларимиз ва халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришига ишонч билдирилди. Ўта очик, самимий, кенг қамровли музокаралар гоёт сермазмун кечди ва қутилган натижаларни берди. Ислам Каримовнинг Остона сафари, ҳақиқатан ҳам, ўзаро муносабатларимиз солномасига ўчмас тарихий воқеа бўлиб киришига шубҳа йўқ.  
**Анвар БОБОЕВ,**  
**Ўза махсус мухбири.**  
**Тошкент-Остона-**  
**Тошкент.**

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган "Хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларни янги муаммоларни мувоҳизада конференция ўтказилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Бosh Прокуратурасида Вазиrлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмагнлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги ййгилишида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, жазони ижро этиш ва махсус ўқув-тарбия муассасаларидан келган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш ишлари муҳокама этилди.**



• **Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат энергетика вазири Станислав Шашевскийни қишки мавсумга тайёргарлик кўриши ва аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлашда йўл қўйган жиддий камчиликларни сабаб эгалаб турган лавозимидан озод этган.**

• **Америкалик тиббиёт ходимлари инсон қони таркибидаги холестерин миқдорини камайтирувчи дорилар бир вақтинг ўзида ОИТС касаллиғига қарши кураш воситаси ҳам бўлиши мумкинлигини аниқлашда ва ҳозирча тажрибада эришилган натижалар амалиётда самарали кечилишига ишонин мумкин.**

## КўМИРНИНГ ҚОЛГАНИНИ ҲАМ МАКТАБГА ЕТКАЗАМИЗ

Маълумки, Қашқадарё вилоятининг У.Юсупов тумани чўл ҳудудида жойлашган бўлиб, туманда 19 та мактаб, 2 та ихтисослашган лицей-интернат, 1 та болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази, ана 11 та халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари мавжуд. Уларда эса айни кунда 13685 нафар ўқувчи, 880 нафар кичкинтой илму одоб ўрганишаётган бўлса, уларга 930 нафар ўз касбининг фидойи, педагог ходимлари таълим-тарбия беришапти.  
Яқинда муҳбиримиз маъқур туманда бўлиб, ворисларимизнинг қишинг ёгин-сочинли, изғиринли кунларда ҳам иссиқ хоналарда маромида билим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳусусида туман ҳокимининг муовини Эли Ҳамроев билан қисқача суҳбатда бўлди.  
— Эли ака, мана қиш ҳам эшик қўйиб келаяпти. Бу таълим муассасаларининг қишки мавсумга тайёргарлик ҳақида қайғу-ўрчимизни талаб қилади. Айтинг-чи, бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?  
— Халқимизда қиш гамини ёзда е, деган пурмаёно ҳикмати бор. Шу боис биз ушбу ўғитдан келиб чиқиб, ўз ишларимизни амалга ошириб борамиз. Туманимиздаги мавжуд 33 та таълим-тарбия иншоотларимизнинг

4 таси мослаштирилган биноларда, қолган 29 таси эса замонавий биноларга эга. Ҳозирда барча таълим муассасаларимиз қишки мавсумга тахт, шу сабаб қишдан қўрмаймиз, деб бемалол айта оламиз. Ҳокиморидан сизга айтган 4 та мослаштирилган бинодаги мактабларимиз кўмир ва печ ёқилғиси билан қиздирилади, холос. Қолган барча таълим муассасаларимизнинг иситиш узатмалари табиий газга уланган. Охириги 2 йил ичида 12 та таълим муассасаларимизнинг иситиш узатмаларини қайта таъмирладиқ. Уларнинг барчасини марказий иситиш қозонлари деб аталув-

чи олиб, деҳқончилик орқасидан даромад олишапти. Бундан ташқари саховатли, ишбилармон ва тадбиркор инсонларимиз ҳам таълим муассасаларидан келганча ёрдам кўрсатишапти. Шунингдек, туман ҳокимининг махсус қарори билан ҳар бир таълим муассасасига бир идора ёки ташкилот доимий ҳомий қилиб белгиланган. Хуллас, ҳомийларнинг кўмаги ёшларимизни келажакда етук инсон қилиб тарбиялашдак масъулиятни ишларимизда етакчи аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда Муборақ газни қайта ишлаш бошқармаси маъмуриятига ҳамда Жейнов жамоа ҳўжалиги раҳбариятига алоҳида ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.  
— Мослаштирилган бинода жойлашган 4 та мактабда қишга тайёргарлик ишларининг аҳоли қандай?  
— Ана шу мактаблар учун эҳтиёжга кўра 550 тонна кўмир олишимиз керак. Ҳозирга қадар 200 тоннадан ошқроқ кўмир олдик. Сизни ишонтириб айтаманки, тузилган шартномаларимиз асосида ноябрь ойида кўмирнинг қолган қисмини ҳам жойларга етказамиз.  
**Абдували ОБИДДИН,**  
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

### Xalq ta'limi va hokimiyat

## «ИЗЛАГАН ИМҚОН, ИЗЛАМАГАН БАҲОНА ТОПАДИ»

(«Ma'rifat», 25 октябрь, 2001 йил)

Муҳбиримизнинг худди шу мавзуда эълон қилинган танқидий чиқишида Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 42 ва 43-мактабларда ишлар таълим-тарбиясига берилаётган эътибор, амалга оширилаётган ишлар ва йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар қиссан урганилиб, тумандаги С.Раҳимов номидаги 43-урта мактабда вужудга келган салбий оқибатлар атрофида таҳлил этилган эди.  
2001 йил 19 ноябрь кунин ушбу мақола юзасидан Зангиота туман халқ таълими бўлими томонидан таҳририятга юборилган жавоб хати олинди. Жумладан, унда шундай дейилиди: «Маърифат» газетасининг 2001 йил 20 октябрь сонида «Излаган имқон, изламаган баҳона топади» сарлавхали мақола эълон қилинган эди. Мазкур мақолада келтирилган далилларни урганиш жараёнида тилга олинган 43-мактабда ҳақиқатан ҳам таълим-тарбия ишлари назоратдан четда қолганини тасдиқланди. Шу муносабат билан ХТБ ходимлари иштирокида навбатдан ташқари педагогик кенгаши ўтказилди. Йўл қўйил-

ган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, айни пайтда бу каби ҳолатлар туман мактабларида қайта тақрирланмаслиги юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу масала мактаб директорлари ўртасида бўлиб ўтган ййгилишида ҳам муҳокама этилди.  
43-урта мактаб директори С.Тошхужаев ўз вафизини совуқлик билан ёндашганини учун оғохлантирилди ва мавжуд камчилик ҳамда нуқсонларни тугатиш мақсадида бир ой муқтадил берилди.  
Шунингдек, тумандаги барча мактаб директорлари ҳам таълим-тарбияда юқори самарадорликка эришиши учун эндиликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб олинди.  
Зангиота тумани халқ таълими бўлими ташкилдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда 2001-2002 ўқув йилини барча курсатқичлар бўйича муваффақиятли яқунлашгани ўз олдига асосий мақсад қилиб қўлди.  
**Ш.МАДУМАРОВ,**  
**Зангиота тумани ХТБ мудири**

### Bizga javob beradilar

## «ЭНГ ЗАРУР ГАЗЕТА»

ДЕЙИШДИ АНДИЖОНЛИК МУШТАРИЙЛАР

"Маърифат" газетаси ижодий ходимларининг муштарийлар билан навбатдаги мулоқоти Андижон вилоятида ўтказилди. Вилоят халқ таълими ходимлари "Маърифат"нинг энг фаол муштарийларидан ҳисобланади. Бунинг вилоят маорифчиларининг 2001 йил учун 3000 нусха "Маърифат"га обуна бўлганликларидан ҳам билдиш мумкин.  
"Маърифат"чиларнинг халқ таълими ходимлари билан бўлган мулоқотлари узоқ давом этди. Унда газета фаолияти — унинг ютуқ ва муваффақиятлари ҳам, ўқувчига маъқул бўлмаган томонлари ҳам батафсил айтиб ўтилди. Мулоқот давомида билдирилган энг аҳамиятли фикрларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.  
Ҳумоюн АКБАРОВ, Бўз тумани халқ таълими бўлимининг мудири:  
— "Маърифат" имиз йилдан-йилга ўқувчилар орасига чуқур кириб бораётгани, у ўқитувчининг иш столидаги доимий қўлланмага айлиниб қолаётганини таъкидламоқчиман. Кейинги йилларда газетада чет элдаги таълим тизими ҳақида кўплаб мақолалар берилмоқда. Фикрим, бу ишни янада кенгайтириш керак. Айниқса, ривожланган мамлакатлардаги илгор тажрибалар, таълим соҳасидаги янгиликлар таҳлил қилиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.  
Муҳитдин МИРЗАЕВ, Шахрихон тумани халқ таълими бўлимининг мудири:  
— Газета мактабнинг энг яқин кўмакчиси бўлиб турибди. Халқ таълими вазириликнинг турли ҳужжатлари, зарур кўрсатмалар таҳлили газета орқали тезликда чоп этилмоқдаки, бу ҳар бир таълим ходимига қатта қўлайлик яратмоқда. Шунингдек, газета саҳифаларида берилаётган аjoyиб ва гаройиб воқеалар, дам олиш саҳифасидаги турли кроссвордлар мунтазам бўлишини истар эдим.  
(Давоми 2-бетда)



Фаргона вилоятида "Маърифат" газетаси кунлари қишки мавсумга тайёргарлик келтирилган бир даврга тўғри келди. Газета таҳририяти ходимларидан иборат гуруҳ шаҳар ва туманларда бўлиб, таълим тизими ходимлари билан учрашувлар ўтказилди.  
Фаргоналиклар газетaxon халқ. Уларнинг турли номдаги оммавий нашрлари қаторида "Маърифат" газетасини ҳам мунтазам қузатиб, мақолаларини таҳлил этиб, қиёслаб бораётганлари ўтказилган мулоқотлар чоғида яққол намоён бўлди. Билдирилган тақлиф ва мулоқазалар, фаол фикрлар, баъзи ўринли эътирозлар, танқидий қарашлар эса хилма-хил эди. Учрашувларда газетанинг кейинги йилларда даврга ҳамоҳанг тарзда чиқаётганини, унинг мазмун-моҳиятида ижобий ўзгаришлар бўлаётгани ҳам кайд этиб ўтилди.  
— "Маърифат" кундалик ҳамроҳимизга айлиниб қолган, — деди Қувасойда ўтказилган ййгилиши иштирокчиси, 1-гимназия ўқитувчиси Зоҳида Турғунбоева. — 30 йилдан буюн севимили газетамизга обуна бўламан. Газета саҳифаларида ерилган қатор материаллар ялғи мавзуларни ўтишда кўп келмоқ-

## КўПРОҚ ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ЁРИТИЛСА



да. "Авесто"га, тарихий шахсларга, чет эл педагогикасига бағишланган мақолалар ана шулар жумласидандир. Энди миллий педагогикамиз, янги педагогик технологияларга оид янада кўпроқ чиқариш керак бўлар эди. Чунки бу борадаги манбалар кам.  
ХТБ ходими Каримов Тешабоева шундай фикр билдирди:  
— Мен газетамизга олти ойга обуна бўлган эдим, ана шу муддат ўтганидан сўнг айрим муҳим материаллардан фойдаланиш учун "Маърифат"ни ҳамкасбларимдан сўраб олиб туришимга тўғри келди. Ана шундай муаммо

туғилмаслиги учун иккиланмай, имконини топиб бир йилга обуна бўлиш лозим экан. Ахир, янги алифбо ҳақида, ўқув режаларига тушунтириш хатлари, хуш нохуш манзаралар тўғрисидаги мақолалар ўз вақтида, методик жиҳатдан пухта берилди. Биз уларни мунтазам ўқиб боришимиз лозим. Шунингдек, газета саҳифаларида "Еш раҳбарларга ёрдам" руқинини очиб, ёш ўқитувчиларга фанлардан ёрдам берувчи мақолаларни ҳам туркум сифатида чиқариб туриш керакка ўхшайди.  
«Аёллар саҳифаси»ни кенгайтириш, муаллимларимизга аёллар ўртасида кўп учра-

## ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

• **Пресс-конференцияда чиқиш қилган АҚШ президенти толибларга қарши кучлар Афғонистон ҳудудларини бирин-кетин қўлга киритар экан, Кўшма Штатлар Бин Ладен ва "Ал-Қайда" командирларини қидириш кучайтирилишини айтди.**  
• **БМТ дипломатик манбаларининг хабарига кўра, БМТнинг Афғонистондаги элчиси Лаҳдар Браҳимий Афғонистондаги этник гуруҳлар вакилларининг учрашувини келтирилган шаба Берлинда ушштиришни режалаштирмоқда.**  
• **Кеча Вашингтонда АҚШ ва Япония етакчилигида 12 давлат вакиллари, шунингдек, Бутунжаҳон банки Европа Иттифоқи ва Ислам ривожланиш банки вакиллари иштирокида Афғонистон келажакдаги юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ҳўжалиги, сув ресурслари, соғлиқни сақлаш, таълим соҳалари бўйича Афғонистон эҳтиёжлари масалалари муҳокама қилинди.**  
• **Журналистлар ҳўқуқларини ҳимоя қилувчи икки халқаро ташкилот — "Бутунжаҳон маъбуот ассоциацияси" ва "Чегара билмас репортёрлар" ташкилотлари Афғонистон шарқида халқ бўлган турт нафар журналистга қилинган ҳўжумни ёвузлик деб атади. "Чегара билмас репортёрлар" ташкилоти муҳбирларни толибларга қарши кучлар эгалаган шаҳарларда қўриққисиз шахардан чиқмасликка қачқирди.**  
(Давоми 2-бетда)



# ЖАМИЯТ ВА КИТОБ

Кутубхоналар тарихига назар ташласак, бу билим маскани маънавий ва маданий бойликларни ўзига жамлаб, асрлар давомида жамиятга хизмат этиб келганига гувоҳ бўламиз. Кутубхона ҳар бир одамнинг, айниқса ёшларнинг билим олишида, маънавий камол топишида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, турли мавзудаги китоблардан ўзига керагини олиб ўқиш, ундан роҳланган ва билим даражасини оширган киши кутубхона кўрмалари одамдан ҳар жиҳатдан юқори туради.

Худди шу масалани "Туркистон вилоятининг газети" 1894 йилги сониде кўтариб чиққан эди. Уша йили ўлкадаги биринчи Туркистон оммавий кутубхонаси (хозирги Алишер Навоий номидаги кутубхона) очилганига йигирма тўрт йил тўғнади. Шу муносабат билан, қолверса, кутубхонага аҳолининг, айниқса ёшларнинг жалб қилиш мақсадида шу мақола босилган эди.

"Диш заманида мавжуд бўлган жуда катта кутубхоналар" деб номланган мақолада, жумладан, шундай деб ёзилган: "Кутубхона деганимиз фўқароларнинг ҳар хил илм олмоғи учун энг қудратли бир воситадир. Европа мамлакатларидаги кутубхона эшиклари эркаклар, хотин-қизлар ва

болалар, камбағаллар ва бойларга баробардир. Бу ердан ҳар бир киши ўзининг эҳтиёжига яраша китобларни олиб бепул фойдаланиши мумкин. Китоб ўқиган кишиларни китоблар ёмон одамлардан узоқлаштиради ва ҳар бир бадкорлик ҳам гуноҳ ишлардан саклайди. Бу сўзларни тасдиқлаш учун мисоллар бордур. Инглиз мамлакатидан мисол олиб айтмишким, мазкур инглиз мамлакатиде 1856 йили ёш болалар ва ўсмирлардан айбдор бўлиб, ҳукумат томонидан судга берилганлар — 14000 киши эди, аммо 1866 йилда — 10100 га тушди, 1876 йилда — 7000 га, 1881 йилда — 6000 га, 1886 йили — 5100 тага тушди. Билмак, шу вақт ичида ёшларнинг сони — 19 миллионга етиб, умумий аҳолисининг сони — 27 миллионга етган эди. Аҳолининг сони шунчага кўпайишига қарамай ёшлар ўртасидаги жиноят икки баробарга камайган эди. Булар шунини кўрсатадики, қамқоқда утирилганларнинг кўпчилиги саводсиз ва илмисиз эдилар, фақат — 2,5 фоизгинаси ўқиш ва

ёзишни билишар эдилар, холос.

Худди шундай 1870 йиллари умумий илм олиш мажбурийлиги жорий этилгандан кейин ҳаммаёғалар билан ўзларининг билимларини орттирадидлар.

Кутубхоналарнинг кўпайиши эса босмахоналар пайдо бўлгандан кейингина тараққий эта бошди. Унгача кўлёмаларни тўплаб, саклайдиган кутубхоналар бар-

Мақтабни тамом қилган ёшлар фақатгина ярим маълумотга эга бўлади, улар фақат маълум мавзудаги китобларни ўзлари ўқишлари билан ўзларининг билимларини орттирадидлар.

Кутубхоналарнинг кўпайиши эса босмахоналар пайдо бўлгандан кейингина тараққий эта бошди. Унгача кўлёмаларни тўплаб, саклайдиган кутубхоналар бар-

нинг ҳам жуда бой кутубхоналари бўлган. Кейин у китоблар жамлашиб, Тошкентга, хозирги Алишер Навоий номидаги кутубхонага келтирилган ва кейинчалик 1943 йилда кутубхонадаги ушбу китоблар ҳисобига Шарқшунослик институтининг кутубхонаси ташкил этилган эди.

Самарқандда Махмудхўжа Бехбудий томонидан пул тўплаш орқали 1908 йилдан бошлаб мусулмонча кутубхона ташкил этилган.

Урта Осиёда энг кекса ва бой, Алишер Навоий номи билан аталмиш Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси мана 131 йилдирки, китобхонага беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Халқнинг маънавий бойлигини асрлар давомида ўзида сақлаш, китобларни асраб-авайлаш, келажак авлодлар учун етказиб бериш кутубхона ҳодимларининг фахрли бурчидир.

## КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛАСИЗМИ?

- Ўзингизни яна бир бор синаб кўрингчи!**
- Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган қандай давлат рамзларига эга?**
    - Конституция, байроқ, герб, мадҳия, давлат тили
    - Президент, байроқ, герб, мадҳия, тил, пул
    - байроқ ва тил, мадҳия, Конституция
    - байроқ, герб, мадҳия
    - байроқ ва герб
  - Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи...**
    - Олий Мажлисдир.
    - Халқдир
    - мансабдор шахслардир.
    - Президентдир
    - халқ ҳокимиятидир.
  - Қуйидагилардан Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт нималар асосида ривожланишини аниқланг.**
    - Мафқуралар, фикрлар хилма-хиллиги асосида
    - сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида
    - давлат мафқураси асосида
    - сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, фикрларнинг хилма-хиллиги асосида
    - сиёсий партияларнинг хилма-хиллиги асосида
  - Референдумга қандай масалалар қўйилади?**
    - депутатларни сайлаш, Конституция қабул қилиш масалалари
    - жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари
    - Президент сайлаш масаласи
    - жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим қонун лойиҳаларини тайёрлаш масалалари
    - Ҳамма жавоблар тўғри
  - Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар қандай киритилади?**
    - Олий Мажлис Раиси қабул қилган қарор билан
    - Президент қабул қилган фармон билан
    - Олий Мажлис жами депутатларнинг қамиде учдан икки қисмиде иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан
    - депутатлар тақлифи билан
    - Конституциявий суд қарори билан.

—То ҳануз мактабга илк қадам қўйганимни эслаймак. Гоҳо оилада уч-тўрт киши арилиб киядиган чорик, қовушда, у ҳам топилайми қолганда, аёзми, қорми кўчалардан ялангоёқ одимлаб мактабга ошиқар эдик, —деди етмиш тўрт ёшли қораланган оқсоқол Яраш ака. —1934 йилда биринчи синфга борганим. У маҳаллар Шеробод тумани марказида атиги биттагина 10 йиллик мактаб бор эди, холос, қолган ҳаммаси етти йиллик тўлиқсиз ўрта мактаблар эди. Агар мўъжиза юз бериб бизлар ўқиган мактаб синфхоналарини қайта тиклаб, хозирги авлодга кўрсатиб "мен мана шу ерда таълим олганман" десам, табиийки, ишонилмайди. Аммо ўшандай ночор шароитли мактабга гўёки қалдирғоч ўз инига талпингандек талпинар эдик... Биз ёшлигимизда кийимимиз эскилигидан ялмасдик, балки саводсиз бўлиб қолишдан иснод қилар эдик. Тўғри, хозир замон бошқача, ёшларнинг чиройли кийимлари келади, аммо уларга аввало, илму-маърифатдан либос кийдирмоқ даркор!

Домлам мени кўпроқ маънавий муаммоларни ёритмоққа ундаб, "Нега ҳануз айрим ёшлар илми, маърифатга мойил эмас? Ахир эндиликда ўқийман, илмий изланишлар қиламан дегуви ёшларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имкониятлар яратилаптику? Балки биз ота-оналар ёшлар тарбиясига етарлиқ эътибор бера олмаётган диймиш. Қишлоғимиздаги мактабдан ҳар йили ҳе бўлмас, икки нафар битирувчи олий ўқув юрталарининг талабаси бўла олишмас, ким айбдор, ахир?" — дея қуюнчақлик билан сўз қотди домла.

—Ахир, институт ёки университетга кириш энг муҳим иш эмас-ку, домла, —дея оқсоқолини юпатмоқчи бўламан.

— Йўқ, шогирд, бу фикрингизга асло қўшилмайман. Фарзандларимиз ўғирлик қилиб ёки дўжондан насияга ароқ олиб ичиб,

**Istiqlol va taqdir**

зишга олиб кетишди. 15-20 кун мобайнида отиш, югуриш, хуллас, жангтоҳ(полюгон)да урушга боришга ҳозирлик кўрдик...

Тақдир азалда неки ёзилган бўлса, инсон кўнишга мажбур. Халқимизнинг бахтига II жаҳон урушининг нўҳояси кўриниб қолганди. 1944 йилнинг ўрталарида энг яхши ўқитувчилар, механизматорлар ва сувчилар бронь билан фронт ортида қолдирилди. Яраш Хусанов сингари тўлиқсиз ўрта маълумот билан мактабларда муаллимлик қилиб юрган ўнлаб ёшлар 8-9- ва 10-синф маълумотларини олиш учун кечалари туман марказидаги ягона 10 йиллик мактабга яёв қатнаб ўқир эдилар. Бир пайтнинг ўзида Яраш ака (1945 йилдан 1954 йилга қадар) 17-ўрта мактабда илмий муди-р, директор вазифаларида ишлади.

— Колхозимизнинг жоҳил, бадфезъл бир раиси бўлар эди. Уша одам аллақачонлар оламдан ўтиб кетгани боис, исми-шарифини айтиш ҳам ноҳоиз. Энам билан хотиним зиёратга боришганини юзимга солиб "сенинг мактабда ишлашга ҳаққинг йўқ" деб зугум ўтказиб, менга аллавақтгача тинчлик бермади. Бир неча кун "энанг билан хотининг хурофотчи, диндор, сен бўлсанг, тарихдан дарс беравсан" деб ҳоли-жонимга қўймади. Ҳатто, қолхоз идорасига мактаб ташвиши билан кирганимда ҳам яна ўша машамашани бошлади. Узимни тутта олмай, раисни бўғиб, уриб ташлабман, денг. Хуллас, бўлмади. Шерободдан Жарқўрган туманига кўчиб кетдим. Жарқўрган туманидаги мактаблардан бирида илмий муди-р, директор вазифаларида ишладим. 1963 йилдан 1968 йилгача Қарши пединститутининг тарих факультетини сиртдан ўқиб биттирдим...

Хамқишлоқлари, хамкасблари ва дўстла-



## МЕҲР МАСКАНИ

Лаҳзалар одамзотнинг руҳият оламига гоҳ олтин халқларнинг, гоҳ гаггин хилларнинг суратини чиқаради. Ана шундай кезларда кимдир бўзал туйғуллар билан ошно тутинса, бошқа бир дилнинг қайсидаир бурчида эзилган майсалар ниш ура бошлайди. Аслида ҳаётнинг асосини ҳам мана шундай икки хил кўри-нишдаги лаҳзаларнинг йиғиндис ташкил қилади. Аллоҳ кимнингир беками кўст, бошқа биримизни бир кам қилиб яратган. Минг афсуски, орамизда ана шундай ноғирон инсонлар учраб туради. Бугунги мақоламизда юракдаги ҳис-туйғуларини бармоқларига бойлаб, сизу бизга етказишга интиладиган болалар таълим ва тарбия оладиган маърифат маскани ҳақида.

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 96-маҳсус мактаб-интернатида эшитиш ва гапирishi қобилиятида нуқсон бўлган 289 нафар ўғил-қизлар тарбияланади. Уларга имкониятдан келиб чиққан ҳолда шарт-шароитлар яратилган. 150 ўринга мўлжалланган ошхона, ўқув дарсликлари ва бадий адабиётларга бой кутубхона, замонавий спорт заллари шулар жумласидан. Уларга 61 та олий, 11 та ўрта-маҳсус маълумотга эга педагог ходимлар билим беради. Шунингдек, бу ерда дарс бериш усуллари одатдаги мактаблардан тубдан фарқ қила-

ди. Яъни, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлашга тўғри келади. Шу сабаб бир синфда 8-10 нафар бола таҳсил олади. Бу ўз навбатида ўқитувчидан жуда катта меҳнатни талаб қилади.

Жорий ўқув йилида 17 та метод бирлашма машғулот, 39 та оик дарс, 12 та гапирishi кечалари ўтказилди. Услубият кенгашларида мустақил фикрлашга ўргатиш мавзусидаги маърузалар тингланиб, муҳокама қилинди ва фойдаланга тадбиқ этилди.

Бундан ташқари, маҳсус мактаб-интернат жамоаси ўз моддий-техник базаларини янада қучайтириш мақсадида Урганч тумани Жа-лолиддин Мангуберди номидаги жамоа ҳўж-ралидан уч ярим гектар ер майдонини ижарага олишди. Шунингдек, маърифат масканида сартарошхона, этикдўзлик устахонаси ишлаб турибди. Булардан тушган маблағ эса бевосита интернатга ҳамда ижтимоий ҳи-мояга муҳтож оилалар фарзандларини ҳи-моялашга сарфланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, барча мураббий-ларнинг мақсади бу ердаги болаларга фақат даррдошлик билан муносабатда бўлиш-дир. Уларга хайрихоҳлик эса, аз бўлса-да ўқис кўнгилларга қувонч туйғуларини тор-тиқ этади.

Азамат ТўРАЕВ

## ДЕПУТАТ ИНСТИТУТДА

Олий педагогика инсти-тутида Олий Мажлис депу-тати, "Миллий тикланиш" партиясининг раиси Ибро-ҳим Гофуров малака оши-ришга келган профессор-ўқитувчиларга набатдаи сессия кун тартибига кири-тишган масалалар ҳақида ахборот бери. Нотақ тер-роризмининг асл моҳияти ҳақида фикр юритиб, унинг референдум ўтказили-ши бўйича оқибатларини очиб берди. Дунё ғайиллашмасига сал-моқли ҳисса қўшган уллу-адиллар, давлат арбобла-ри—Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Ҳусайн Боққаро, Бе-руний, Абдураҳмон Жомий кабилар Афғонистон дўри-да яшаган, ижод қилган. Аф-суски, Афғонистон ҳозирда терроризмин амалиа оши-рувчиларнинг маркази ай-ланди. Оқибатда буоқ шах-сларнинг мақбара ва қабра-ри бўзилиб, вайронга айлан-моқда. Бундай ҳузирезликлар-га халқимиз бефарқ қарай олмайди.

Ўзбекистон аҳолисида Олий Мажлис депутатлари томо-нидан муружаатнома тай-ёрлангани ва унинг лойи-ҳаси сессия муҳокамасидан сўнг эълон қилинишини бил-дирди. Сессияда Афғонис-тон ҳаққининг муносабати юзасидан референдум ўтказили-ши бўйича тақлиф киритилди. Мавруза юзасидан инсти-тут директори, тарих фан-лари доктори, профессор Ш.Шарофов сўз чиқиб, тер-роризмининг ватани, дини, миллати бўлмаслигига ало-ҳида урву берди. Ёшларимиз-га таълим-тарбия беришда ҳамкасблардан сиёсий, ҳуқуқий маданиятни шакл-лантириши, беминнат хиз-мат талаб қилинади.

М.ВАЛИХОНОВ, профессор, Ж.НАБИХОНОВ, институт ўқув-услубий бўлим бошлиғи

## ЁШЛАРГА МАЪРИФАТДАН ЛИБОС КИЙДИРМОҚ ДАРКОР

эгасиз жониворлардек шаталоқ отиб юриш-са-ю, биз кексалик гаптини хотиржам сура оламизми? Масалан, нега энди бугунги фермер олий ёки ўрта маҳсус маълумот-ли ҳуқуқшунос ёхуд иқтисодчи бўлмасли-ги керак? Нега у ўз-ўзини эмас, ақинча уни бошқа бир одам ҳуқуқий химоя қилиши ке-рак? Илмисизлик авомиллик, жоҳилликка олиб боради. Бунга аввало, биз кексалар тушунтирилмас керак. Шундан сўнггина ёш-ларга тушунтириш керак бўлади.

—Бир нарсани аниқки, сизларнинг даврла-рингизда олий ва ўрта маҳсус ўқув юртал-ри муаллимлари абитуриент излаб мактаб-ма-мактаб юришган...

— Оллоҳга шўқрки, юрт истиқлоли пешонамиздаги шўрларни кетказди. Талаба-ликка қабул қилишда тест синовлари жо-рий этилган, билимли, иқтидорли бўлган оддий кетмончининг фарзанди учун ҳам олий ўқув юртининг эшиклари ланг очил-ди. Эшитиб қўлоқларимга ишонмайман. Кўриб кўзларим қувнади. Яна беҳиётёр олис ўқувчилик, талабалик йилларимни кўрсайман. Ҳа, бизнинг талабалгимиз "ол-тин давр" эмас, "зоғора нон даври" эди. Мактабимизнинг Ҳидоятлов дегич татар мил-латига мансуб директори бор эди. Раҳмат-ли жаннатиде одам эди. Шу киши мени ту-манимизда ягона 10 йиллик мактаб қоши-да ташкил этилган ўқитувчилар тайёрлаш курсига олиб борди. Бошқа мактабдан кел-ган бир гуруҳ болалар ҳам имтиҳонга шай туришган экан. "Имтиҳон" деганлари шу эдик, бизга фақат китоб ўқитиб бериб қўри-шарди. Агар беҳато, равон, жарангдор қилиб ўқисанг, марра сенки. Курснинг пешқадам, олд талабаси бўлдим, деявер. Матни чи-ройли ўқийдиганлар алоҳида, тўтилиб, хи-ж-жалаб ўқийдиганлар алоҳида рўйхатга оли-нарди. Имтиҳон комиссияси мени ярим йиллик биология муаллимлари тайёрла-диган курсга қабул қилди. Курсни тамом-лаб Қишлоқбозор қишлоғидаги 17-ўрта мактабга биология фани ўқитувчиси бўлиб бордим. Хамқишлоқларим иззат-ирком билан қутиб олишди. Ўқитувчилар ниҳоят-да тақчил ва қадрли эди. Айниқса, хат-са-води бор одам анқонинг уруғидек ноёб эди. Ишга яроқли эркакларнинг хаммалари фронтда, шу боис биз, уруш даврининг бо-лалари, эртароқ улғайишга мажбур бўлдик. 1944 йилда ҳарбий ўқув машқлари ўтқа-

## МАЙДОНДАГИ МУШТЛАШУВ...

Ҳар бир ўқувчи борки, кат-та бўлсам талаба бўламан, дея орзу қилади. Негаки, талаба-ликки бежизга инсон умрининг олтин даврига мензашмайди. Шу боис, бундай орзуси ушал-ганлар ўзларини бахтиёр ҳис этадилар. Лекин, шундай бахт-га мушарраф бўлган айрим ёш-лар, баъзи ҳолларда унинг маъсултиги жиҳатларини унут-ти қўйишлари ачинарли ҳол. Масалан, Фаргона Давлат Университетининг 2-босқич талабаси, Марғилон шаҳри-нинг И.Фозилов кўчасида яшовчи М.Ёқубов кўрседоши,

## Ma'rifatsiz kishilar

Бувайда туманилик 1981 йил-да туғилган Д.Раҳматуллаев билан Риштон туманидаги 19-мактабнинг спорт ўйингоҳида жанжаллашиб қолиб, унинг кўкрагига пичоқ қадагани боис, ҳозир қора курсида ўти-рибди.

Уша машғум жожае солир этилганида, аввалига М.Ёқу-бов қилиб қўйган ишдан қўриқиб, жиний жавобгарлик-дан қутулиш учун воқеа жойи-дан қочиб кетади. Бироқ ички ишлар ходимлари яшириниб юрган жиноятчини ҳисбага олишди. Айни дамда уни жа-зога тортиш чоралари кўрил-моқда.

Шўҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ Мағбуот маркази катта инспектори, милиция капитани

## ДИҚҚАТ ТАНЛОВ! ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири-лиги таълим муассасалари учун зарур бўлган ҳамда стандарт талабларига жавоб берадиган қуйидаги мактаб ўқув ҳужжатларини:

- 1-4-синф журнали.
- 5-11-синф журнали.
- Куни узайтирилган гуруҳ журнали.
- Буйруқлар дафтари
- Ўқувчилар ҳаракат дафтари.
- Педагогик кенгаш мажлиси баённомалар даф-тари.
- Расмий давлат ҳужжатларини ҳисобга олиш ва тарқатишни қайд қилиш журнали.
- Тўғарак машғулотлари ишини ҳисобга олиш журнали.
- Битирувчиларнинг якуний терма баҳолари та-бели.
- Китобхон формуляри.
- Китоб формуляри.
- Инвентар китоби.
- Баҳолар табели.
- Китобхон томонидан йўқотилган ва ўрнига олин-ган нашрлар рўйхати.
- Библиографик каталоглар карточкаси.
- Ўқувчининг шахсий делоси.
- Шаҳодатномалари ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш журнали.
- Таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш дафтари.
- Педагог ходимларни қайта тайёргарликдан ўтганлиги тўғрисида сертификат.
- Педагог ходимларини малака оширганлиги ҳақида сертификатни чоп этиш ва харид қилиш бўйи-ча танлов эълон қилади.
- Танловда иштирок этиш учун тасвир этиллаган маҳ-сулотлар намуналари шу йилнинг 25 декабр-гача топ-ширилиши шарт.
- Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилот, муассасалар ҳужжатлар намуналарини қуйидаги манзилдан олишлари мумкин.

Муружаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони. 5. Маълумот учун телефонлар: 139-40-83, 139-19-58.

## Тошкент шаҳар Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Кафедра мудири (педагогика фанлари доктори ёки фан номзоди) Педагогика ва психология, ижтимоий фанлар ва маънавият асослари, мактабгача ва бош-лангич таълим кафедралари.
- Кафедра ходимлари: профессор (фан доктори) 5 та, доцент (фан номзоди) 9 та, катта ўқитувчи (фан номзоди) 10 та, катта ўқитувчи 13 та танлов эълон қилади. Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 25 кун мўддат ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси-1 уй. 5-6-қават. Тел.: 45-59-96

